ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҚУРИШИНИНГ ТУПРОҚ ҚОПЛАМИГА ТАЪСИРИ

Бахтиёр Рамазонович Рамазонов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
ramazonov_74@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу Орол бўйи ҳудуларида бугунги кунда рўй бераётган оғир экологик вазиятнинг кескинлкашуви, экологик ҳолатнинг ёмонлашганлиги, деградация ва саҳроланиш жараёнлари таъсирида Орол денгизи тубида тўпланиб қолган заҳарли тузлар, суғориладиган ер майдонларига дефляция жараёнлари таъсирида олиб бориб ётқизилиши ва ҳоказолар тўғрисида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Орол денгизи, деградация, саҳроланиш, биосфера, шўрланиш, ўсимлик қоплами, грунт сувлари, тупрорқ қоплами, экотизим, гумус.

EFFECTS OF ARAL SEA CONSTRUCTION ON SOIL COVER

Bakhtiyor Ramazonovich Ramazonov
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
ramazonov_74@mail.ru

ABSTRACT

The current aggravation of the ecological situation in the Aral Sea region, the deterioration of the ecological situation, the accumulation of toxic salts on the bottom of the Aral Sea under the influence of degradation and desertification, deflation of irrigated lands, etc. are considered.

Keywords: Aral Sea, degradation, desertification, biosphere, salinity, vegetation, groundwater, soil cover, ecosystem, humus.

КИРИШ

Тупроқ қоплами биосферанинг асосий компонентларидан бири бўлиб, барча экотизимларнинг вужудга келиши ва ривожланишида муҳим функционал роль ўйнайди. Тупроқ қопламининг шаклланиши, трансформацияси, унумдорлик қобилиятининг вужудга келиши табиий шароитда маълум қонуниятлар асосида юз бериб, тупроқ ва уни ҳосил қилувчи омиллар ўртасида экологик мувозанат вужудга келади. Лекин, табиатда юз берадиган антропоген ўзгаришлар йиллар давомида экотизимлар ўртасида вужудга келган мувозанатни

ўзгартиради. Бундай ҳолат биосферанинг асосий компоненти бўлган тупроқ қоплами, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг биохилма-хиллигини, жой рельефи, шунингдек иқлим кўрсаткичларини ҳам ўзгаришига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кейинги йилларда Орол бўйи ҳудудларида табиий ва антропоген таъсирнинг кучайиши, Орол денгизининг қуриб бориши билан боғлиқ экологик ҳолатнинг кескинлашуви натижасида, регионда тупроқ компонентларининг ўзаро боғлиқлиги ва барқарорлигиги салбий томонга ўзгариб, табиий мувозанат бузилган, баъзи ҳудудларда минераллашган ер ости сувлари юзага яқин кўтарилган бўлса, қолган майдонларда қурғоқланиш ва саҳроланиш жараёнлари фаоллашиб, шўрланиш жараёнларини кучайишига олиб келган. Шўрланиш жараёнларининг кучайиши ҳудудларда турли шўрланиш даражаси, типи (химизми)ни шаклланиши, тупроқ қопламларида заҳарли тузлар заҳирасини кескин ошиши, натижада эса тупроқлар унумдорлиги ва мелиоратив ҳолатини ёмонлашишига сабаб бўлган.

НАТИЖАЛАР

Саҳроланиш жараёнлари таъсирида Орол бўйи атрофларидаги катта майдонларда шўрхоклар ҳосил бўлган. Суғориладиган ерлар мелиоратив-экологик ҳолатининг кескин ёмонлашуви, тупроқда туз тўпланиш, иккиламчи шўрланиш жараёнларини фаоллашуви, шўрланган ерлар майдонларини йил сайин ортиб бораётганлиги экин майдонлари ҳажмини камайишига, маданий экинлар ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келган.

Деградация ва саҳроланиш жараёнлари таъсирида Орол денгизи тубида тўпланиб қолган заҳарли тузлар, суғориладиган ер майдонларига дефляция жараёнлари таъсирида олиб бориб ётқизилиши натижасида ушбу ер майдонларининг экологик-мелиоратив ҳолатини оғирлашишига, оқибатда эса қишлоқ хўжалигининг айланма фондидаги суғориладиган унумдор ерлар маълум даражада ишлаб чиқаришдан чиқиб кетишига сабаб бўлган.

Саҳроланишнинг асосий босқичларида Орол бўйи ҳудудлари суғориладиган тупроқлари юзаси сувда осон эрувчан тузлардан иборат бўлган қатқалоқ билан қопланади ва ушбу ерларда шўрсевар галофит ўсимликлар тарқалади. Кузатишларимизга кўра, тупроқ қопламини типик чўл бутазорларни ташкил этувчи итсигак (Arabasis aphylla), қуйруқ (Solsola rigiga) ўсимликлари эгаллаган. Натижада, саҳроланиш жараёнлари таъсирида тақир тупроқларни

ўзгарганлиги, тупроқ юзаси зичлашган қатқалоқли бўлиши, қатқалоқ остида турли механик таркибли қатламчаларнинг ҳосил бўлганлиги, гумус миқдори камайганлиги, тупроқ қопламини қуруқлашиши ҳамда сизот сувларининг сатҳи пасайганлиги, шунингдек, ўсимликлар атрофида қумлар тўпланиши, асосан бу ҳудудларни қора саксовуллар эгаллаётганлиги кузатилди.


Саҳроланиш жараёнларини салбий оқибатлари Амударёнинг чап ва ўнг қирғоқларидан танланган массивларини тупроқ қопламларида, табиий ва антропоген омиллар таъсирида содир бўлаётганлиги кузатилди. Ўтказилган тупроқ тадқиқот натижаларига кўра, Орол бўйи тупроқ қопламлари ҳолатларини тўла очиб бера оладиган яъни суғориладиган мелиоратив ҳолати мураккаб бўлган тупроқларда грунт сувлари сатҳи 2010 йилда 135-200 см да турган бўлса, тадқиқотлар ўтказилган 2016-2018 йилларда грунт сувлари сатҳи тупроқ юзасига яқин (ўртача 120-155 см) жойлашганлиги Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли, Шуманай, Амударё, Қўнғирот, Мўйноқ ва Нукус туманларида тарқалган гидроморф тупроқларида қайд этилган.

Саҳроланиш жараёнлари таъсирида Орол бўйи ҳудудлари (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти чегарасида)даги 677,6 минг гектар суғориладиган ерларнинг 84,2 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, шундан 217,8 минг гектари ёки 32,14 фоизи кучсиз, 188,8 минг гектари ёки 27,86 фоизи ўртача, 82,3 минг гектари ёки 12,15 фоизи кучли ва 81,7 минг гектари ёки 12,06 фоизи жуда кучли шўрланган тупроқлардир (Давергеодезкадастр қўмитаси маълумотлари). Бу ҳолат эса келгусида агромелиоратив ва агротехник тадбирларни тўғри қўлламасдан туриб қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлигини мунтазам ошириб боришга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам ерлардан самарали фойдаланиш, тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириб бориш учун агромелиоратив, агротехник ва агрокимёвий тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалик экинларини ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари, хосса-хусусиятлари ва унумдорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда оқилона жойлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Орол бўйи ҳудудларида саҳроланиш жараёнлари таъсирида турли даражада шўрланган тупроқлар шаклланган. Амударёнинг олдинги “тирик” дельтасини сезиларли қуриши XX асрнинг 60-йилларидан бошланган. Ҳар йили дарё тошқин сувларининг бостириб келиши натижасида минг йиллар давомида Амударё сувлари билан келтирилган аллювиал ётқизиқлар тупроқ пайдо қилувчи она жинслар сифатида хизмат қилган. Бу ётқизиқларнинг турли хилдаги механик таркибга эга бўлиши грунт сувлари оқимини секинлаштиради шунингдек, ҳароратнинг юқорилиги тупроқнинг капиляр томирлари орқали юзага яқин

келган грунт сувларини жадал буғланишига, натижада ҳудуд тупроқ қопламларини турли даражада шўрланишига олиб келган. Бундан ташқари, Амударё сувларининг минераллашганлик даражаси йиллар давомида ортиб борган яъни, 1950-1963 йилларда ўртача 0,553 мг/л, 1985 йилда 1131 мг/л, 1997 йилда 1148 мг/л, 2008 йилда 1250 мг/л гача ошганлиги қайд этилган. Саҳроланиш жараёнлари таъсирида денгизнинг қуриган тубидаги очилиб қолган ётқизиқлар-қумлар, қумлоқлар, қумоқлар, лойли жинслар устида тупроқ пайдо бўлиш жараёнлари тубдан ўзгариш жараёнлари бошланганлиги кузатилди. Хусусан, Шуманай туман тупроқ қопламининг хосса-хусусиятларида кейинги 50-60 йил давомида турли ўзгаришлар содир бўлган бўлиб, бу ўзгаришлар суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатида яққол акс этган. Жумладан, 1966 йилда тумандаги кучсиз шўрланган ер майдонлари туман умумий майдонининг 33,4% ни, ўртача шўрланган ерлар 22,2% ни, кучли шўрланган ерлар 26,6% ни ва жуда кучли шўрланган ерлар 14,6% ни ташкил этган бўлса, мос равишда 2017 йилда 20,8%; 47,7%; 16,7% ва 14,8% ташкил этган (1-расм). Кўриниб турибдики, ўтган 50 йилдан ортиқ вақт мобайнида кучли ва жуда кучли ҳамда кучсиз шўрланган ерлар майдони қисқариб, ўртача шўрланган ерлар майдони ошган.

Суғориш сувлари таркибида сувда осон эрувчан тузлар миқдорининг ортиб бориши, суғориладиган тупроқларга ҳам ўз таъсирини кўрсатган, яъни йиллар давомида узлуксиз суғоришлар тупроқ таркибидаги тузларни тўпланишига олиб келган. Бу эса ушбу тупроқларда саҳроланиш жараёнларини бошланишига бирламчи манба бўлган. Ҳудуддаги суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлариданинг тузлар таркибида Cl ва SO_4 тузлари доимо устунлик қилган. Суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларда гумус миқдори тупроқдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига боғлиқ ҳолда органик қолдиқларнинг минераллашувига, намлиги ва рельефига ҳам боғлиқ. Ўрганилган тупроқлар саҳроланиш жараёни таъсирида деградация ва дегумификацияга учраганлиги натижасида гумус миқдорининг камайганлиги қайд этилди. Янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларини ҳайдов қатламида гумус миқдори ўртача 0,968% атрофида бўлиб, ҳайдов ости қатламидан бошлаб кескин камайиб бориши кузатилади. Бу тупроқлар гумус билан кам даражада таъминланган. Янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларининг унумдорлик кўрсаткичлари бевосита вегетация даврида тупроқга ишлов бериш, органо-минерал ўғитлардан фойдаланиш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашга боғлиқ. Тупроқларга ограник ва минерал ўғитларни табақалаштириб қўлланмаслиги, қишлоқ хўжалиги экинлари билан олиб чиқиб кетилган моддалар ўрнини етарли даражада тўлдириб борилмаганлиги ушбу тупроқларни унумдорлигида номутаносибликни келтириб чиқарган.



1-расм. Суғориладиган тупроқларнинг шўрланиш динамикаси, майдони % ҳисобида, (Шуманай тумани мисолида)

Кўп йиллик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг ҳайдалма қатламлари ҳаракатчан фосфор билан кам (<30 мг/кг) ва алмашинувчан калий билан кам (<200 мг/кг) ва ўртача (<300 мг/кг) таъминланган (1-жадвал).

1-жадвал.

Янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларда ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий миқдорининг ўзгариши

Тупроқ номи	Қатламлар чуқурлиги, см	Ҳаракатчан фосфор мг/кг ҳисобида					
		1966 й.*		1995 й.**		2017 й. **	
		P_2O_5	K_2O	P_2O_5	K_2O	P_2O_5	K_2O
Суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқ, кучсиз шўрланган	0-24	20,2	281	24,0	184,8	28,5	139
	24-37	18,9	233	19,2	192,8	25,0	84
	37-54	14,7	201	15,1	168,7	13,0	96
	54-86	11,1	145	13,2	176,7	11,0	65
	86-117	7,1	134	11,6	132,6	10,3	63
	117-140	6,8	87	10,5	132,6	9,0	47
	140-175	4,1	-	3,8	-	4,1	-

**1966 йил маълумотлари Тупроқ бонитировкаси (аввалги Республика тупроқ экспедицияси) ШК маълумотлари*

***1995 ва 2017 йиллардаги Тупроқшунослик ва агрокимё ИТИ маълумотлари*

ХУЛОСА

Шуманай туманининг янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларида гумус ва ҳаракатчан фосфор моддалари билан кам даражада таъминланганлиги, ўз навбатида алмашинувчи калий билан 1966 йилда 281 мг/кг (ўртача), 1995 йилда 184,6 мг/кг (кам) ва 2017 йилда 139 мг/кг (кам) ни ташкил этган бўлиб, ўтган вақт давомида тупроқларнинг тҳайдалма қатламларида алмашинувчан калийнинг ҳам камайганлигини ва бунниг сабаби сифатида сўнги йилларда тупроқларга калийли минерал ўғитларни етарли даражада солинмаганлигини кўрсатиб ўтишимиз мумкин (1-жадвал).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, 2010-2018 йилларда олиб борилган тадқиқотларда олинган маълумотларга кўра, Орол бўйи ҳудудларида деградация ва саҳроланиш жараёнлари таъсирида, дегумификация жараёнлари бу ҳудудларнинг суғориладиган ва яйлов тупроқларида турлича содир бўлаётганлиги кузатилди. Тадқиқ этилган жами суғориладиган ерларга нисбатан 1,5% майдонлардаги тупроқлар гумус билан ўртачадан юқори (1,5-2,0%), 47,0% майдонларда ўртача (<1,5%) ва 51,5% майдонлардаги тупроқлар кам (<1,0%) ва жуда кам (<0,5%) ва даражада таъминланган. Гумус билан кам таъминланган тупроқлар Қўнғирот, Хўжайли, Беруний, Кегейли, Чимбой, Тахтакўпир, Қонликўл туманлари суғориладиган тупроқларида қайд этилди. Дегумификация жараёнлари таянч массивлар суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларида, жумладан, Қўнғирот туманидаги Й.Охунбобоев номли массивда жами суғориладиган ерларнинг 49,62 фоизини, Тўрткўл тумани Шўрохон массивида 51,57% ни, Амударё тумани Тўлқин массивида 51,78% ни, Тахтакўпир тумани Маржонкўл массивида 67,48% ни, Элликқалъа тумани Янгиер массивида 85,1 % ни, Нукус тумани Оқманғит ва Кегейли тумани К.Абибуллаев номли массивларда 100% ташкил этади. Бу ҳудудлардаги ер майдонларининг 83,8 фоизи ҳаракатчан фосфор билан жуда кам (0-15 мг/кг) ва кам (15-30 мг/кг), 11,5 фоизи ўртача (30-45 мг/кг), 4,7 фоизи ўртачадан юқори (45-60 мг/кг) даражада таъминланган. Алмашинувчи калий билан эса жуда кам (<100 мг/кг) ва кам (100-200мг/кг) таъминланган ер майдонлари 71,8% ни, ўртача (200-300 мг/кг) –19,5% ни ва ўртачадан юқори (300-400 мг/кг) даражада таъминланган майдонлар 8,7% ни ташкил этаётганлиги аниқланди. Саҳроланиш жараёнлари Жанадарёнинг қадимги аллювиал текислиги Қораўзак ва Тахтакўпир туманларини қамраб олган. Асосий тупроқ қоплами сур-тусли қўнғир, тақир, тақирли, шўрхок, қумли саҳро ва қумлар комплексидан иборат. Шу билан бирга деградация ва саҳроланиш жараёнлари Ақчадарёнинг қадимги аллювиал текислигида ҳам кескин ва жадал бораётганлиги дала тадқиқотларида кузатилди. Ақчадарёнинг қадимги аллювиал текисликлари Амударёнинг Туямўйин ҳудудларидан бошланади ҳамда Тўрткўл, Беруний туманлари ҳудудларидан ўтиб, Сувёрғон

кўллар тизимини ташкил этган. Ақчадарёнинг қуйи дельтаси саҳроланиш жараёнлари таъсирида қумлар остида қолиб кетган. Бу ҳудудларда қум барханлари, эгри-бугри ва эгат ҳосил қилган қумликлар катта майдонларни эгаллайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Б.Р.Рамазонов Растительный мир осущенного дна Аральского моря Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования. III Международная научно-практическая Интернет-конференция / Составление Н.А. Щербакова / ФГБНУ «Прикаспийский научно-исследовательский институт аридного земледелия» с. Соленое Займище. 2018. С. 716-719.
2. Рамазонов Б.Р. Исмонов А.Ж. Природные условия почвообразования и повышение продуктивности почв приаралья (на примере кунградского района) Фундаментальные и прикладные исследования: от теории к практике: материалы II международной научно-практической конференции, приуроченной/Т.4.-Воронеж, 2018.– С. 235-240.
3. Рамазонов Б.Р., Кузиев Р.К., Абдурахмонов Н.Ю., Ахмедов А.У. Автоморфные почвы приаралья на стадии опустынивания правление земельными ресурсами и их оценка новые подходы и инновационные решения. Материалы российско-узбекской научно-практической конференции, посвященной 100 летию Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека Москва-Ташкент. С. 472-477.
4. Ramazonov B.R., Kuziev R. Evolution of soils of the aral sea area under the influence of anthropogenic desertification european science review № 1-2 2018 January-February pp. 24-28.
5. Ramazonov B.R., Kuziev R.K. Soils of the dried part of the aral sea and problems of desertification International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol.24, Issue 04 2020 ISSN: 1475-7192. A web based peer reviewed publication for mental health practitioners, consumers & applied researchers. www.psychosocial.com Hampstead Psychological Associates Road, London NW1 7 JA United Kingdom. Page 4134-4146.
6. Ramazonov B.R., Mutalov K.A., Fayziev V.B., Koraev S.B. Morphogenetic characteristics and biological activity of takyr and meadow soils of the republic of Karakalpakstan (On the example of soils of Chimbay district). Journal of Critical Reviews Taiwan. ISSN-2394-5125 Vol 7, Issue 5, 2020. Page 242-249.
7. Ramazonov Baxtiyor Ramazonovich Soil cover of the Aral sea region and change of soil properties under the influence of desertification (on the example of soils of

Karakalpakstan region) Journal of Advanced Research in dynamical and Control Systems (JARDCS) Engineering Q3 SJR 2019 67321 Mackay Street, Deerfield Beach Kanzas City USA. P. 620-631.

8. Рамазонов Б.Р. Некоторые вопросы предотвращения отрицательных последствий опустынивания II-я Международно научно-практическая конференция «Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования» Посвящается году экологии в России. - Москва, 2017. -С. 117- 120.
9. Рамазонов Б.Р. Краткая характеристика почвенного покрова Приаралья (на примере Каракалпакстана). Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования II-я Международно научно-практическая конференция «Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования» Посвящается году экологии в России.- Москва, С. 1054-1056.
10. Рамазонов Б.Р. Кузиев Р.К., Файзиев В.Б. Природные условия и эволюция почв Каракалпакстана (на примере почв Чимбайского района Труды Международной научно-практической конференции «V Оразовские чтения: Вклад тюркской цивилизации в развитие науки и образования». С. 476-480.
11. Рамазонов Б.Р., Муталов К.А., Зокиров Д.У. Изучение растительности пустынь на уроках ботаники Труды Международной научно-практической конференции «V Оразовские чтения: Вклад тюркской цивилизации в развитие науки и образования». С. 458-462.
12. Кузиев Р.К., Рамазонов Б.Р. Состояние земельных ресурсов низовьев Амударьи и меры по их рациональному использования Тезисы докладов VII съезда Общества почвоведов им.В.В.Докучаева.-Москва - Белгород, 2016.-С. 388-389.
13. Муталов К.А., Рамазонов Б.Р., Закиров Д.У. (2020) Полукустарниковая растительность юго-западного Кызылкума Материалы Международной научно-практической конференции “Охрана и рациональное использование природных ресурсов Южного Приаралья”. С. 163-166.
14. Рамазонов Б.Р., Кузиев Р.К., Абурахмонов Н.Ю. Изменение почвенного покрова Приаралья под влиянием опустынивания Труды Международной научно-практической конференции “Охрана и рациональное использование природных ресурсов Южного Приаралья”. Нукус 2020. С. 163-166.

REFERENCES

1. Б.Р.Рамазонов. (2018) Растительный мир осущенного дна Аральского моря Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования. III Международная научно-практическая Интернет-конференция / Составление Н.А. Щербакова / ФГБНУ «Прикаспийский научно-исследовательский институт аридного земледелия» с. Соленое Займище. 716-719.
2. Рамазонов Б.Р. Исмонов А.Ж. (2018) Природные условия почвообразования и повышение продуктивности почв приаралья (на примере кунградского района) Фундаментальные и прикладные исследования: от теории к практике: материалы II международной научно-практической конференции, приуроченной/Т.4.-Воронеж, 235-240.
3. Рамазонов Б.Р., Кузиев Р.К., Абдурахмонов Н.Ю., Ахмедов А.У. Автоморфные почвы приаралья на стадии опустынивания правление земельными ресурсами и их оценка новые подходы и инновационные решения. Материалы российско-узбекской научно-практической конференции, посвященной 100 летию Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека Москва-Ташкент. С. 472-477.
4. Ramazonov B.R., Kuziev R.(2018) Evolution of soils of the aral sea area under the influence of anthropogenic desertification european science review. № 1-2 January-February pp. 24-28.
5. Ramazonov B.R., Kuziev R.K. (2020). Soils of the dried part of the aral sea and problems of desertification. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, Vol.24, Issue 04 1475-7192.
6. Ramazonov B.R., Mutalov K.A., Fayziev V.B., Koraev S.B.(2020). Morphogenetic characteristics and biological activity of takyr and meadow soils of the republic of Karakalpakstan (On the example of soils of Chimbay district). *Journal of Critical Reviews Taiwan.* ISSN-2394-5125 Vol 7, Issue 5 Page 242-249.
7. Ramazonov Baxtiyor Ramazonovich. (2020). Soil cover of the Aral sea region and change of soil properties under the influence of desertification (on the example of soils of Karakalpakstan region) Journal of Advanced Research in dynamical and Control Systems (JARDCS) Engineering Q3 SJR 2019 67321 Mackay Street, Deerfield Beach Kanzas City USA. P. 620-631.
8. Рамазонов Б.Р. Некоторые вопросы предотвращения отрицательных последствий опустынивания II-я Международно научно-практическая конференция «Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования» Посвящается году экологии в России. - Москва, 2017.-С. 117- 120.
9. Рамазонов Б.Р. Краткая характеристика почвенного покрова Приаралья (на примере Каракалпакстана). Современное экологическое состояние природной

среды и научно-практические аспекты рационального природопользования II-я Международно научно-практическая конференция «Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования» Посвящается году экологии в России.-Москва, С. 1054-1056.

10. Рамазонов Б.Р. Кузиев Р.К., Файзиев В.Б. Природные условия и эволюция почв Каракалпакстана (на примере почв Чимбайского района Труды Международной научно-практической конференции «V Оразовские чтения: Вклад тюркской цивилизации в развитие науки и образования». С. 476-480.
11. Рамазонов Б.Р., Муталов К.А., Зокиров Д.У. Изучение растительности пустынь на уроках ботаники Труды Международной научно-практической конференции «V Оразовские чтения: Вклад тюркской цивилизации в развитие науки и образования». С.458-462.
12. Кузиев Р.К., Рамазонов Б.Р. Состояние земельных ресурсов низовьев Амударьи и меры по их рациональному использования Тезисы докладов VII съезда Общества почвоведов им.В.В.Докучаева.-Москва - Белгород, 2016.-С. 388-389.
13. Муталов К.А., Рамазонов Б.Р., Закиров Д.У. (2020) Полукустарниковая растительность юго-западного Кызылкума Материалы Международной научно-практической конференции “Охрана и рациональное использование природных ресурсов Южного Приаралья”. С. 163-166.
14. Рамазонов Б.Р., Кузиев Р.К., Абурахмонов Н.Ю. Изменение почвенного покрова Приаралья под влиянием опустынивания Труды Международной научно-практической конференции “Охрана и рациональное использование природных ресурсов Южного Приаралья”. Нукус 2020. С. 163-166.